

**2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирлар ижроси тўғрисида  
ТАҲЛИЛИЙ МАЪЛУМОТ**

**Навоий вилояти 8 та бандда асосий ижрочи**

*2023 йил 28 декабрь ҳолатига*

Т/р	Устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар	Амалга ошириш механизмлари	Амалга ошириш шакли	Муддати	Амалга ошириш харажатлари (молиялаштириш манбалари)	Масъул ижрочилар	Амалга оширилган ишлар, тайёрланган ҳужжат лойиҳалари (кимга, қачон киритилганлиги, хат рақами ва санаси)
<b>III. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЮҚОРИ ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ</b>							
<b>28-мақсад: Республиканинг экспорт салоҳиятини ошириш орқали 2026 йилда республика экспорт ҳажмларини 30 млрд АҚШ долларига етказиш</b>							
91.	<b>Туризм хизматлари экспортини 2 млрд долларга етказиш.</b>	<b>4.</b> Жойлаштириш ва меҳмонхона воситалари, овқатланиш, транспорт хизматларини кенгайтириш ва хунармандчилик устахоналари, заргарлик, сувенир маҳсулотлари савдосини йўлга қўйиш.	Амалий чора-тадбирлар	2023 йил давомида	Ҳисоб китобларга кўра	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, Маданият ва туризм вазирлиги <b>О.Назарбеков,</b> Транспорт вазирлиги <b>И.Махкамов</b>	<b>Бажарилди:</b> 2023 йилда 47 та жойлаштириш воситалари (9 та меҳмонхона, 24 та оилавий меҳмон уйи, 11 та хостел ва 3 та бошқа турдаги жойлаштириш воситалари) фаолияти йўлга қўйилди. Шунингдек, транспорт хизматини кенгайтириш, маҳаллий ва хорижий сайёҳларга қулайлик яратиш мақсадида 9 та автобус ва 13 та микроавтобуслар тадбиркорлик субъектлари томонидан харид қилинди. Бундан ташқари, овқатланиш шохобчалари, хунармандчилик устахоналари, сувенир маҳсулотлари савдоси йўлга қўйган. (Асос: Вилоят ҳокимлигининг 24.11.2023 й, 09-09/2990-сонли хати)
<b>30-мақсад: Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш</b>							
98.	2023 йилда сув таъминоти яхши бўлган <b>100 минг</b> гектаргача қўшимча экин майдонларини деҳқончилик кўникмаларига эга бўлган, шу жумладан <b>“Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”</b> ва <b>“Ёшлар дафтари”</b> га киритилган аҳолига ажратиш ҳисобидан қарийб <b>350 мингта</b> янги деҳқон хўжалиklarини ташкил этиш.	<b>1.</b> Деҳқон хўжалиklarини ташкил этиш учун фермер хўжалиklarи ва агросаноат кластерларига ижарага берилган, улар томонидан самарали фойдаланилмаётган, сув таъминоти тизими яхши бўлган, аҳоли яшаш жойларига яқин бўлган, лотларга бўлиш натижасида контурлар яхлитлиги бузилмайдиган ерларни танлаб олиш тартибини жорий этиш. <b>2.</b> Деҳқон хўжалиklarига ажратилган ер майдонларида ҳудудлар эҳтиёжлари учун зарур бўлган экспортбоп ва бозорбоп қишлоқ хўжалиги экинлари экилишини таъминлаш. <b>3.</b> Сабзавот, полиз, дуккакли, мойли ва картошка экинларини интенсив усулда экиш ишларини ташкил этиш.	Амалий чора-тадбирлар	2023 йил давомида	Ташаббускорлар маблаглари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги <b>А.Вонтов,</b> Иқтисодиёт ва молия вазирлиги <b>Ш.Қудбиев,</b> Сув хўжалиги вазирлиги <b>Ш.Хамраев</b>	<b>Бажарилди:</b> <b>1.</b> Вилоятда 2023 йилда сув таъминоти яхши бўлган <b>3195 гектар</b> экин майдонларида <b>6439 та</b> янги деҳқон хўжалиklarини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, жорий йилда <b>3147 гектар</b> ер майдонлари <b>6177 та</b> янги деҳқон хўжалиklarига очиқ электрон танлов орқали ер майдонлари ажратиб берилди. <b>2.</b> Ажратилган жами <b>3147 гектар</b> ер майдонларида ташкил этилган деҳқон хўжалиklarи томонидан <b>814 гектар</b> сабзавот, <b>493 гектарга</b> картошка, <b>494 гектар</b> полиз, <b>135 гектар</b> мойли, <b>411 гектар</b> дуккакли экинлар экилиши таъминланиб, ушбу майдонлардан <b>39937 тонна</b> маҳсулотлар етиштирилди.

Т/р	Устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар	Амалга ошириш механизмлари	Амалга ошириш шакли	Муддати	Амалга ошириш харажатлари (молиялаштириш манбалари)	Масъул ижрочилар	Амалга оширилган ишлар, тайёрланган ҳужжат лойиҳалари (кимга, қачон киритилганлиги, хат рақами ва санаси)
		4. Кооперация тизими асосида маҳсулот етиштириш ва сотишни йўлга қўйиш.					3. Ажратилган майдонларда бугунги кунда интенсив усулда <b>567 гектар</b> сабзавот, <b>287 гектар</b> полиз экинлари экилиши белгилаб олинган бўлиб, мазкур майдонларда интенсив усулда <b>372 гектар</b> сабзавот, <b>114 гектар</b> полиз, ва <b>304 гектар</b> бошқа турдаги экинлари экилиши таъминланди. 4. Ажратилган майдонларда ташкил этилган деҳқон хўжаликлари томонидан етиштирилган маҳсулотларни сотиб олиш мақсадида мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ва экспорт қилувчи корхоналар ва кооператив корхоналар томонидан олди-соти шартномаларини тузиш ишлари олиб борилмоқда.
<b>34-мақсад: Худудларнинг муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма тизимини ҳамда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш</b>							
127.	Республикамиздаги барча шаҳар ва туманлардаги марказий кўчалар, чорраҳалар ва аҳоли гавжум жойлар атрофларида ривожланган давлатлар тажрибаси асосида замонавий <b>санитария-гигиена шохобчалари тармоғини яратиш.</b>	1. Барча шаҳар ва туманлардаги марказий кўчалар, чорраҳалар ва аҳоли гавжум <b>масканларда замонавий санитария-гигиена</b> шохобчалари жойлаштириладиган жойларни аниқлаш. 2. Замонавий санитария-гигиена шохобчалари тармоғини ташкил этиш ишларига маҳаллий ва хорижий тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш. 3. Мазкур ер майдонларини тадбиркорлик субъектларига ажратиш ҳамда уларнинг инфратузилма тармоқларига (сув, электр энергияси, оқова тармоғига) уланишига қўмаклашиш.	Амалий чора-тадбирлар	2023 йил давомида	Ҳисоб-китобларга кўра	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, Маданият ва туризм вазирлиги <b>О.Назарбеков</b>	<b>Бажарилди:</b> Хорижий давлатлар тажрибаси асосида 2023 йилда вилоятнинг шаҳар ва туманлардаги марказий кўчалар, чорраҳалар ва аҳоли гавжум масканларда 19 та (Навой шаҳрида 11 та, Зарафшон шаҳрида 1 та, Қизилтепа туманида 1 та, Навбахор туманида 2 та) замонавий санитария-гигиена шохобчаларининг тармоқлари ташкил этилди. (Асос: Вилоят ҳокимлигининг 01.12.2023 й, 09-09/3173-сонли хати).
<b>35-мақсад: “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилинг” дастури доирасида маҳаллий сайёҳлар сонини 12 млн нафардан ошириш ҳамда республикага ташриф буюрадиган хорижий туристлар сонини 9 млн нафарга етказиш</b>							
133.	Юртимизга ташриф буюрадиган <b>хорижий сайёҳлар</b> сонини 7 млн нафарга етказиш.	2. Янги туризм йўналишлари ва маҳсулотларини тақдим қилиш, бунда <b>зиёрат, эко, агро, “балиқ ови” туризми, туризм кишлоғи, туризм ва гастрономик кўчалар, чўл</b>	Амалий чора-тадбирлар	2023 йил давомида	Ҳисоб-китобларга кўра (Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри	<b>Бажарилди:</b> Сентоб кишлоғига "Туризм кишлоғи" мақоми берилиб, 1 та туризм кишлоғи ташкил этилди. Навой шаҳарда "Туризм кўчаси" ташкил этилди.

Т/р	Устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар	Амалга ошириш механизмлари	Амалга ошириш шакли	Муддати	Амалга ошириш харажатлари (молиялаштириш манбалари)	Масъул ижрочилар	Амалга оширилган ишлар, тайёрланган ҳужжат лойиҳалари (кимга, қачон киритилганлиги, хат рақами ва санаси)
		худудларида дам олиш туризми хизматлари ҳамда маршрутларини яратиш.			тадбиркорлик субъектлари маблағлари)	хокимликлари, Маданият ва туризм вазирлиги <b>О.Назарбеков</b>	<p>Навоий шаҳри Нурафшон кўчасида "Гастрономик кўча" ташкил этилиб, мазкур кўчада 0,6 км ички йўл ва 1,2 км пиёдалар йўлаги таъмирланди ҳамда 40 дона тунги ёритиш чироклари ўрнатилди.</p> <p>Нурота, Хатирчи, Қизилтепа туманларидаги туризм маҳаллаларида туризм хизматларини ташкил этиш бўйича режалар тасдиқланди.</p> <p>Вилоят Туризм ва мданий мерос бош бошқармаси, вилоятда фаолият олиб бораётган туркомпаниялари ва Самарқанд вилоятида фаолият олиб борувчи салоҳиятли туркомпаниялар билан Б2Б учрашуви ташкил қилинди.</p> <p>Б2Б учрашувларида туризм соҳасида икки томонлама ҳамкорлик қилиш, Навоий вилоятига хорижий сайёҳлар сонини ошириш бўйича келишувларга эришилди.</p> <p>Самарқанд вилоятида фаолият олиб бораётган 10 дан ортиқ туроператорлик ва турагентлик компаниялари вилоятнинг туризм салоҳияти юқори худудларига ташриф буюриб, худуднинг туризм салоҳияти билан танишишди.</p> <p>Ўтказилган дастур давомида туркомпаниялар билан Навоий вилоятига маҳаллий ва хорижий сайёҳларни жалб қилиш ва саёҳатларни ташкил қилиш бўйича шартномалар тузилиб вилоятнинг туризм салоҳияти юқори маҳаллалардаги туризм хизматлари ва тақдим этиладиган чегирмаларни ўз ичига олган ҳамёнбоп турпакетлар ишлаб чиқилди.</p> <p>Нурота туманида "Qizilqum Safari" МЧЖ, ва "Uzbekistan for you" МЧЖлари томонидан Айдаркўл сув ҳавзаси ва чўл худудларда дам олиш ва балиқ ови туризм хизматлари, Қизилтепа туманида "Mironshox Chorbog'i" ХК томонидан эко, агро, балиқ ови туризми хизматлари ташкил этилди. Бундан ташқари, Нурота (Сентоб), Хатирчи (Лангар), Қизилтепа (Зарметан) туманларининг зиёрат, эко, агро, "балиқ ови" туризми йўналишларини ўзида жамлаган махсус турпакетлар ишлаб чиқилди.</p> <p>(Асос: Вилоят ҳокимлигининг 23.12.2023 й, 09-09/2950-сонли хати)</p>

Т/р	Устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар	Амалга ошириш механизмлари	Амалга ошириш шакли	Муддати	Амалга ошириш харажатлари (молиялаштириш манбалари)	Масъул ижрочилар	Амалга оширилган ишлар, тайёрланган ҳужжат лойиҳалари (кимга, қачон киритилганлиги, хат рақами ва санаси)
		<p>3. Маҳаллий ҳаво транспортини ривожлантириш мақсадида “Uzbekistan helicopters” МЧЖ билан биргаликда сайёҳларга мўлжалланган вертолётлар учун учиш ва қўниш майдончаларини ташкил этиш.</p>	Амалий чора-тадбирлар	2023 йил давомида	Ҳисоб-китобларга кўра  тадбиркорлик субъектлари маблағлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Транспорт вазирлиги <b>И.Махкамов,</b> Маданият ва туризм вазирлиги <b>О.Назарбеков,</b> Фуқаро авиацияси агентлиги, “Uzbekistan Airways” АЖ	<p><b>Бажарилди:</b> Сайёҳларга мўлжалланган вертолётлар учун учиш ва қўниш майдончаларини ташкил этиш юзасидан Навоий вилояти Туризм ва маданий мерос бош бошқармасини алоҳида расмий хати орқали вилоятнинг сайёҳларга мўлжалланган вертолётларнинг учиш ва қўниш имконияти мавжуд бўлган ҳудудлар тўғрисидаги маълумотлари Туризм ва маданий мерос вазирлигига таъқдим этилган. (Асос: Навоий вилояти Туризм ва маданий мерос бош бошқармасининг 06.06.2022 йилдаги 02-06/334-сонли хати) Шунингдек, “Uzbekistan helicopters” МЧЖнинг 2023 йил 23 мартдаги 01-336-293-сонли хати орқали, авиакомпаниянинг ҳаво паркидаги мавжуд вертолётлар тўғрисидаги маълумотлар олинган. Халқ депутатлари вилоят Кенгашини 2023 йил 25 апрелдаги VI-53-42-5-0-К/23-сонли қарорига асосан, Вертолёт учун қўниш майдончаси қуришга 400 млн.сўм ажратилган. Навоий халқаро аэропорти ҳудудида сайёҳларга мўлжалланган вертолётлар учун учиш ва қўниш майдончаларини ташкил этилган.</p>
		<p>4. Туризм транспорт коридори бўйлаб ер майдонларини реализация қилиш ва автомагистраль йўллари бўйлаб замонавий <b>карвонсарой</b>ларни ташкил этиш.</p>	Амалий чора-тадбирлар	2023 йил давомида	Ҳисоб-китобларга кўра  тадбиркорлик субъектлари маблағлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Маданият ва туризм вазирлиги <b>О.Назарбеков,</b> Иқтисодиёт ва молия вазирлиги <b>Ш.Кудбиев</b>	<p><b>Бажарилди:</b> Навоий вилояти ҳудудидан ўтувчи М37 халқаро автомобил йўли бўйида 2 та карвонсарой объектлари ташкил этилди. (Асос: Вилоят ҳокимлигининг 28.12.2023 й, 09-09/3058-онли хати)</p>
135.	<p><b>Навоий вилоятининг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.</b></p>	<p>1. 2023-2026 йилларда туризм хизматларини камида <b>5 бараварга</b> ошириш, бунда янги меҳмонхона ва оилавий меҳмон уйлари ташкил этиб, ўринлар сонини <b>4 мингтага</b> етказиш. 2. Хизмат кўрсатиш объектларини йўлга қўйиш орқали Навоий шаҳри марказида “Туризм кўчаси”ни ташкил</p>	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2023 йил июнь	Ҳисоб-китобларга кўра тадбиркорлик субъектлари маблағлари	Навоий вилояти ҳокимлиги, Маданият ва туризм вазирлиги <b>О.Назарбеков</b>	<p><b>Бажарилди:</b> 1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тўдақўл” туристик-рекреатсион зонасини ташкил этиш ҳамда сувда дам олиш ва пляж туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор лойиҳаси ишлаб чиқилди. Қарор лойиҳасига асосан “2023-2026-йилларда Навоий вилоятида жойлаштириш воситалари</p>

Т/р	Устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар	Амалга ошириш механизмлари	Амалга ошириш шакли	Муддати	Амалга ошириш харажатлари (молиялаштириш манбалари)	Масъул ижрочилар	Амалга оширилган ишлар, тайёрланган ҳужжат лойиҳалари (кимга, қачон киритилганлиги, хат рақами ва санаси)
		<p>этиш.</p> <p>3. Навоий шаҳридаги Нурафшон кўчасини Гастрономик туризм кўчаси сифатида ташкил этиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш.</p>					<p>сонини ошириш режа кўрсаткичлари тасдиқланиб, янги меҳмонхона ва оилавий меҳмон уйлари, дам олиш ва соғломлаштириш масканлари ташкил этилиб, улардаги ўринлар сонини 20 мингга етказиш кўзда тутилган.</p> <p>Ушбу қарор лойиҳаси ўрнатилган тартибда кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритилди.</p> <p>2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 26.04.2023 йилдаги ПҚ-135-сон қарорининг 5-илова 10-бандига асосан, Навоий шаҳридаги “И.Каримов” ва “Амир Темур” кўчалари кесишмасидан “И.Каримов” ва “Меъморлар” кўчалари кесишмасигача бўлган ҳудудда махсус туризм кўчаси ташкил қилинди.</p> <p>3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.04.2022 йилдаги ПҚ-232-сон қарорига мувофиқ, Навоий шаҳар ҳокимининг 24.06.2022 йилдаги 138-5-79-Қ_22-сонли қарори билан Навоий шаҳар Нурафшон кўчасида махсус гастрономик кўчаси ташкил этилди.</p> <p>Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 26.04.2023 йилдаги ПҚ-135-сон қарорининг 5-илова 12, 13-бандларига асосан, Навоий шаҳрининг Нурафшон кўчасида ташкил қилинаётган гастрономик кўчанинг 600 метр қисми қайта таъмирланди ҳамда пиёдалар йўлаги ва велойўлақлар ташкил этилди.</p> <p>(Асос: Вилоят ҳокимлигининг 20.06.2023 й, 09-09/1352-сонли хати)</p>
<b>IV. АДОЛАТЛИ ИЖТИМОЙ СИЁСАТ ЮРИТИШ, ИНСОН КАПИТАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ</b>							
<b>41-мақсад: Мактабларни ривожлантириш миллий дастурини жорий этиш орқали халқ таълими тизимида қўшимча 1,2 миллион ўқувчи ўрни яратиш</b>							
157.	Янги мактабларни қуриш ва мавжудларини реконструкция қилиш ҳамда уларда зарур шарт-шароитларни яратиш.	<b>1. “Намунавий мактаб”</b> лойиҳалари асосида <b>237 та</b> мактабни реконструкция қилиш ва янгидан барпо этиш орқали <b>76 минг</b> ўқувчи ўрнини яратиш.	Амалий чора-тадбирлар	2023 йил давомида	Давлат бюджети маблағлари ( <b>1,7 трлн сўм</b> ), маҳаллий бюджет маблағлари, ҳомийлар маблағлари, тадбиркорлар маблағлари,	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, <b>Б.Закиров,</b>	<b>Бажарилди:</b> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 декабрдаги “2023-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-465-сонли қарорига асосан вилоят ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” ДУК буюртмачилигида 2023 йилда <b>9 та</b> умумтаълим мактабларида <b>32,1 млрд.сўм</b> қурилиш-таъмирлаш ишларини

Т/р	Устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар	Амалга ошириш механизмлари	Амалга ошириш шакли	Муддати	Амалга ошириш харажатлари (молиялаштириш манбалари)	Масъул ижрочилар	Амалга оширилган ишлар, тайёрланган ҳужжат лойиҳалари (кимга, қачон киритилганлиги, хат рақами ва санаси)
		2. Мактабларни тўлиқ замонавий мебель, усқуналар билан жиҳозлаш.			хорижий банк кредитлари	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги <b>Х.Умарова</b>	<p>амалга ошириш кўзда тутилган.</p> <p>Бугунги кунда, мазкур умумтаълим мактабларида жами <b>32,1 млрд.сўмлик (100%)</b> қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди ва тўлиқ фойдаланишга топширилди.</p> <p><b>Бажарилди:</b></p> <p>2023 йилда реконструкция қилиниши режалаштирилган умумтаълим мактабларини жиҳозлаш бўйича дастлабки манзилли дастур ишлаб чиқилиб тасдиқланди ҳолда мактабгача ва мактаб таълими вазирлигига тақдим этилган.</p> <p><i>(Асос: вилоят халқ таълими бошқармасининг 2023 йил 21 февралдаги 01-04/3-286-сонли хати)</i></p> <p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023-йил 16-июндаги 49/6-сонли Раёсати мажлиси баёни тасдиқланган, ушбу Раёсат баёнига асосан мазкур мактаблар тўлиқ ўқув жиҳозлари, лаборатория асбоб-усқуналари, спорт инвентарлари ва бошқа жиҳозлар билан таъминланиши белгиланган бўлиб, Навоий шаҳридаги 1, 4, 22 ва 21-сонли Кармана тумани 32 ва 11-мактабларига, Учқудуқ тумани 5 мактаб, Навбахор тумани 26-мактаб, Қизилтепа тумани 6-мактаб, Нурота тумани 10, 27, 31, 39-мактабларга жиҳозлар етказиб берилди.</p>
		3. Умумтаълим мактабларидаги <b>1200 та</b> маънан эскирган компьютер синфларини янгилаш.	Амалий чора-тадбир	2023 йил якунига қадар	Республика бюджети <b>100 млрд сўм,</b> маҳаллий бюджет <b>100 млрд сўм</b>	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги <b>Х.Умарова,</b> Иқтисодиёт ва молия вазирлиги <b>Ш.Қудбиев</b>	<p><b>Бажарилди:</b></p> <p>Умумий ўрта таълим мактабларидаги ўқув компьютер синфлари тўлиқ хатловдан ўтказилиб, маънан эскирган компьютер техникаларига бўлган эҳтиёжлар аниқлаштирилди. Унга кўра, вилоятдаги 80 та умумий ўрта таълим мактабларига замонавий компьютер синфлари етказиб бериш бўйича Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигига маълумот тақдим этилди. Ушбу маълумотларга асосан, Вазирлик томонидан жорий йилда вилоятдаги 80 та умумтаълим мактабларига маънан эскирган компьютер синфларини янгилаш мақсадида 1280 та замонавий компьютер қурилмалари тегишли тартибда етказиб берилди.</p>

Т/р	Устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар	Амалга ошириш механизмлари	Амалга ошириш шакли	Муддати	Амалга ошириш харажатлари (молиялаштириш манбалари)	Масъул ижрочилар	Амалга оширилган ишлар, тайёрланган ҳужжат лойиҳалари (кимга, қачон киритилганлиги, хат рақами ва санаси)
		4. Республикадаги <b>4860 та</b> (шундан 2509 та ўғилболалар ва 2351 таси қиз болалар хонаси) мактабдаги технология хоналарини жиҳозлаш.	Амалий чора-тадбир	2023 йил якунига қадар	Маҳаллий бюджет маблағлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги <b>Х.Умарова</b>	<b>Бажарилди:</b> Бирламчи ҳисоб-китобларга асосан, вилоятдаги <b>3 та</b> (шундан 3 та ўғил болалар ва 3 таси қиз болалар хонаси) мактабдаги технология хоналарини жиҳозлаш бўйича Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигида ҳимоя қилиш учун ҳужжат лойиҳалари тайёрланиб тақдим этилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023-йил 16-июндаги 49/6-сонли Раёсати мажлиси баёни тасдиқланган, ушбу Раёсат баёнига асосан вилоятимиздаги 6 та (4 та янги ва 6 та реконструкция) умумтаълим мактабларнинг (6 та ўғил болалар, 6 та қиз болалар) технология хоналарини жиҳозлар билан таъминланиши белгиланган. Бугунги кунда 6 та (4 та янги ва 6 та реконструкция) умумтаълим мактабларнинг (6 та ўғил болалар, 6 та қиз болалар) технология хоналарини жиҳозлар билан тўлиқ таъминланди. (Асос: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023-йил 16-июндаги 49/6-сонли Раёсати мажлиси баёни ҳамда вилоят халқ таълими бошқармасининг 2023 йил 221 февралдаги 01-04/3-286-сонли хати)
<b>48-мақсад: Қарийб 100 минг ўринли талабалар турар жойларини барпо этиш.</b>							
169.	<b>Талабаларни турар жой билан таъминланиш</b> даражасини ошириш.	1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан талабалар турар жойларини қуриш учун ер майдонларини белгиланган тартибда ажратиш.	Амалий чора-тадбирлар	2023 йил март-сентябрь	-	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	<b>Бажарилди:</b> Навоий давлат педагогика институти “кампуси”ни барпо этиш учун Навоий шаҳридаги “Ёшлик” МФЙ ҳудудидан <b>150 000 метр</b> квадрат ер майдонини институтга доимий фойдаланиш ҳукуки асосида ажратиб берилди. (Асос: вилоят ҳокимининг 2023 йил 7 апрелдаги 46-5-0-Қ/23-сонли қарори). Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 7 июндаги “Навоий давлат педагогика институти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 232-сонли қарори қабул қилиниб, мазкур қарорга асосан, 2024 йилда – <b>600 ўринли</b> , 2025 йилда – <b>850 ўринли</b> , 2026-йилда – <b>450 ўринли</b> , 2027 йилда – <b>500 ўринли</b> , жами <b>2400 ўринли</b> талабалар турар жойи қурилиши белгилаб берилди. (Асос: ВМни 2023 йил 7 июндаги 232-сонли қарори)

Т/р	Устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар	Амалга ошириш механизмлари	Амалга ошириш шакли	Муддати	Амалга ошириш харажатлари (молиялаштириш манбалари)	Масъул ижрочилар	Амалга оширилган ишлар, тайёрланган ҳужжат лойиҳалари (кимга, қачон киритилганлиги, хат рақами ва санаси)
<p>Бундан ташқари Навоий давлат кончилиқ ва технологиялари университети учун 2023 ва 2025 йилларда Давлат-хусусий шериклик асосида жами 800 ўринли 2 та талабалар турар жойлари барпо этилади. Шундан, 2023 йилда 400 ўринли 1 та, 2025 йилда 400 ўринли 1 та талабалар турар жойлари фойдаланишга топширилади.</p> <p>2023 йилда 400 ўринли 1 та объектнинг <b>25 млрд.сўмлик</b> (100 %) қурилиш ишлари тўлиқ амалга оширилди.</p>							
<b>64-мақсад: Худудларда бирламчи тиббий хизматни “бир қадам” тамойили асосида ташкил этиш.</b>							
202.	Аҳолига <b>бирламчи тиббий хизматларни</b> яқинлаштириш.	Худуддаги мавжуд эҳтиёж ва аҳолининг таклифларини инобатга олган ҳолда: <b>30 та</b> оилавий поликлиника; <b>110 та</b> оилавий шифокор пункти; <b>520 тагача</b> ихчам маҳалла тиббиёт пунктларини ташкил этиш.	Амалий чора-тадбирлар	2023 йил давомида	Маҳаллий бюджет маблағлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги <b>А.Иноятов</b>	<p><b>Бажарилди:</b></p> <p>Аҳолига бирламчи тиббий хизматларни яқинлаштириш мақсадида худуддаги мавжуд эҳтиёж ва аҳолининг таклифларини инобатга олган ҳолда <b>2 та</b> оилавий поликлиника, <b>8 та</b> оилавий шифокор пунктини ва <b>20 та</b> маҳаллада ихчам тиббиёт пунктлари ташкил этиш бўйича бугунги кунда Хатирчи туманида 1 та ОШП ва 1 та ОП ташкил этилди, Нурота туманида 1 та ОШП, Қизилтепа туманида 3 та ОШП, Кармана туманида 1 та ОШП, Навбахор туманида 1 та ОШП, Томди туманида 1 та ОШП, , Зарафшон шаҳрида 1 та ОП янгидан қурилмоқда. <b>20 та</b> маҳалла тиббиёт контейнерлари олиб келиниб ўрнатилиб иш бошлади.</p> <p>(Асос: Соғлиқни сақлаш бошқармасининг 26.12.2023 й, 06-02/370-сонли хати)</p>